

Mas'uliyati Cheklangan Jamiyat shaklidagi «MEZON AUDIT SERVIS» Auditorlik tashkiloti.

ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ.

«NAMANGAN CHORSU DEHQON UNIVERSAL BOZORI»
Aksiyadorlik jamiyati (СТИР: 200 055 321)
Наманган шаҳар, Уйчи кўчаси 333-уй.
АТБ «Туронбанк» Наманган филиали.
МФО 00226. х/р: 2020 8000 5003 7957 2001.

Ма'сুলiyati cheklangan jamiyati shaklidagi «MEZON AUDIT SERVIS» auditorlik tashkiloti.

Гувоҳнома № ва санаси: Ўз.Р Адлия вазирлигидан 11.08.2011 йилда берилган № 607-сонли гувоҳнома
СТИР: 203 527 364. ХХТҮТ: 84400.

Лицензия: № 00027. Ўз.Р.Молия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 апрелда берилган.

Фаолияти: Ўзбекистон Республикаси ҳудудда аудиторлик текширувларини ўтказиш бўйича аудиторлик
фаолиятини амалга ошириш.

Ҳисоб рақами: 2020 8000 0041 0375 5001, АТБ Капиталбанк Наманган бўлими, МФО: 01085.

Мен, Ўзбекистон Республикаси Ма'сুলiyati cheklangan jamiyati shaklidagi «MEZON AUDIT SERVIS»
auditorlik tashkiloti аудитори Юсупжанов Алишер Мусаханович, менга Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги томонидан 2017 йил 14 январда берилган № 05448-сонли аудитор малака сертификатига мувофиқ
ҳамда Ма'сুলiyati cheklangan jamiyat shaklidagi «MEZON AUDIT SERVIS» auditorlik tashkiloti билан
«NAMANGAN CHORSU DEHQON UNIVERSAL BOZORI» Aksiyadorlik jamiyati ўртасида 2021 йил 20 февраль
куни тузилган № 09/А-сонли шартномага асосан «NAMANGAN CHORSU DEHQON UNIVERSAL BOZORI»
Aksiyadorlik jamiyatining баланс (1-сонли шакл) ва молиявий натижалар тўғрисидаги (2-сонли шакл)
ҳисоботларидан иборат 2020 йилнинг 1 январидан 31 декабригача бўлган даври учун тузилган молиявий
ҳисоботларининг ишончлилигини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятини бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига
мувофиқ молиявий ҳисоботларнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун
жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий
ҳисоботлар юзасидан фикр билдиришдан иборат. Мен, «NAMANGAN CHORSU DEHQON UNIVERSAL
BOZORI» Aksiyadorlik jamiyatining илова қилинган молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан
ўтказдим.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотларнинг барча муҳимлилик
жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини
баҳолашдан иборат. Мен, аудиторлик текширувини аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ
ўтказдим. Ушбу стандартлар молиявий ҳисоботлар жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли
даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни
тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини
ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамазни предмети ҳисобланади.
Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида
фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект - «NAMANGAN CHORSU DEHQON UNIVERSAL
BOZORI» Aksiyadorlik jamiyatining 2020 йилнинг 1 январидан 31 декабрига бўлган даври учун тузилган
молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолати ва молиявий ва хўжалик
фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилот раҳбари:



Аудитори:

Б.Иляминов

А.Юсупжанов

Хулоса тузилган сана: 2021 йил 30 март..